

## ИНГЛИЗ ДАРСЛАРИ ЖАРАЁНИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КРЕАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

**Мирзаева Холида Нормуродовна**

*Навоий вилояти педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази  
"Педагогика ва психология, талим технологиялари" кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация:** Ушбу мақолада инглиз дарслари жараёнида талабаларнинг креатив компетенцияларини такомиллаштириши, зарурати, бутун дунё бўйлаб талабаларнинг ижодкорлиги, креатив компетенцияси ва ижодкорлигини ривожлантириши масалалари муҳокама қилинади ва тавсифлайди.

**Калит сўзлар:** инглиз тили дарслари, ижодий жараён, талаба, метод, креатив фикрлаш, инновация, шарт-шароитлар

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида узлусиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари кўрсатиш салоҳиятини ошириш, меҳнат бозорига мос равишда юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, таълим тизимини янада такомиллаштириш каби йўналишлар белгилаб берилган. Олий таълимда сифат ва самарадорлигини ривожлантириш катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Мамлакатимиздаги жадал ўзгаришлар дунёда таълим тизимиға кенг йўл очмоқда, жумладан, чет тилини ўзлаштиришнинг жадал ривожланиши, жаҳон стандартини такомиллашуви таълим тизимида ижодий ёндашишни тақозо этмоқда. Бутун дунёда талабаларнинг ижодий салоҳияти, креатив компетенцияси ва ижодкорлигини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг анъанавий ва замонавий услубларини комплекс қўллаш орқали ижтимоий ўсиш учун интеллектуал ресурсларни яратиш долзарб вазифа қилиб белгилаб олинган.

Жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжлари олий таълим муассасалари талабаларининг ижодий фикрлаши ва ижодкорлигига боғлиқ бўлиб, уни ҳар бир талабанинг таълим жараёнида амалга оширади. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларидан Т.Баришева, Ю.Волкова, Ж.Гилфорд, Ю.Джигалова ва бошқа олимлар талабаларда ижодкорликнинг таълим муҳитига таъсири бўйича салмоқли тадқиқотлар олиб борганлар ва ўз тадқиқот ишларида ижодий жараён субъектлари ижодининг хусусиятларини ўзида мужассам этган янги ижодий маҳсулот яратишни тасвирлаб бердилар.

“Ижодий та’лим” тушунчаси педагог ва талаба ўртасидаги муносабатлар бўлиб, шахснинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қиласди.

Хусусан, олий таълим муассасалари талабаларининг ижодкорлигини ривожлантириш билан бирга, таълим фаолиятни ижодий олиб бориша креатив

фикраш технологиясидан фойдаланиш таълим сифатини янада оширишга хизмат килмоқда.

Креатив фикраш технологияси таҳлилга эмас, ижодкорликка асосланган бўлиб, барча соҳаларда қўлланилади. Креатив фикраш технологиясидан фойдаланиш натижасида муаммо янги ғоялар орқали ҳал қилинади. Олий таълим муассасаларида “Технология ва дизайн” модулини назарий ва амалий жиҳатдан тайёрлаш жараёнида маҳсус фанларни қўллаш натижасида талабаларда модул бўйича чукур билимлар, интеллектуал салоҳият ва ижодкорлик ривожланади.

Креатив фикраш технологияси талабаларнинг ижодий тажрибаси асосида мавзу бўйича ҳал этилмаган муаммоларни ўрганиш ва тўсатдан пайдо бўлган ғояларни ифодалаш имконини берди. У янги ғояларни илҳомлантириди, талабаларнинг тасаввур ва ижодкорлигини ривожлантириди. Натижада уларда мавзу бўйича илмий манбалар билан ишлаш кўникмаси ва ижодий компетенцияси шаклланди.

Ижодий фаолиятнинг ўсиши таълим ва тарбиянинг янги қирраларини очиш, ноанъанавийлик ва ўзига хосликка асосланган, энг муҳими, фикраш, тарбиялаш қобилияти каби далилларга асосланади ва тушинилади. Олий ўқув юртларида ўқув модули талабаларини ижодий тарбиялаш хусусиятлари очиб берилган.

Олий таълим муассасаларида ўқув модули бўйича ижодий таълимнинг ташкил этилиши талаба-ёшларда жамиятда фаол ҳаётга қизиқиш ва интилишларини уйғотади, ғоялар таҳлилини рағбатлантиради, ҳиссиёт ва билимларни мустаҳкамлайди. Бизнинг фикримизча, олий таълимда ўқув модулининг асосий вазифаси талабаларнинг ҳар томонлама ривожланиши учун мақбул шарт-шароитларни яратишдан иборат. Талабаларнинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва инновациялар яратишга эътибор қаратиш, муаммони ҳал қилиш ҳаракатларини таҳлил қилиш, муаммоларни мустақил тушуниш ва ўз қобилиятларини ривожлантириш ижодий таълимнинг мақсади бўлиб, ижодий ўрганишни талаб қиласи.

Шундай қилиб, ўқув модули бўйича ижодий таълимнинг мақсади талабаларнинг ижодий компетенциялари ва педагогик маҳоратини ривожлантириш, шунингдек, ижодий ўқитиш усуллари ва ўқув фикраш технологияси ёрдамида уларнинг ижодий фикрлашни такомиллаштиришдан иборатdir. Ижодкорлик-таълим - таълим жараёнини ташкил этиш, ижодий таълим жараёнини шакллантириш, ижодий ўқитиш усуллари ва креатив фикраш технологиялари орқали ижодий қобилиятларни ошириш, билим ва кўникмалар мутаносиблигини шакллантиришда турли усуллардан фойдаланиш ва фаол иштирок этишни ўз ичига олади. Олий ўқув юртларида ўқув модулида ижодий таълимни самарали ташкил этишининг ташкилий шартлари белгилаб берилган.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Xakimova Muxabbat. "Integration Technologies in the Process of

Teaching and Upbringing." Archive of Scientific Research (2020).

2. Xakimova Muxabbat. "Career preparation of students with special needs."

Research Archive 32 (2020).

3. Hakimova Muhabbat, Bazarova U.M., Mirzaeva M.N. Opportunities for Innovation Technologies in Higher Education. International Journal on Integrated Education (IJIE) Indonesia, no. 12/2020. 282 -285s.

4. Mirzaeva M.N. Formation of the concept and technology of intercultural competition among students in universities. International scientific journal "Scientific Horizons" No.5 / 2018- P. 81-84p

5. Mirzaeva M.N. Technology forming professional competence of students of the technical university in the lessons of foreign languages // International scientific journal "Scientific Horizon" No. 8/2019 -27-31s.

6. Bazarova U.M. THE ROLE OF SPIRITUAL AND MORAL EDUCATION OF STUDENTS OF TECHNICAL UNIVERSITY IN THE LESSONS OF FOREIGN LANGUAGES //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 11. – C. 614-616.

7. Bazarova U.M. The state of the problem of moral and aesthetic education of students by means of a foreign language at the present stage //International scientific journal "Scientific Horizons" no. – T. 1.

8. Muhabbat H., Bazarova U.M., Mirzaeva M.N. Opportunities for innovation technologies in higher education //International journal on integrated education (IJIE) Indonesia. – 2020. – №. 12.

9. Bazarova U.M. Improvement of mechanisms of moral and aesthetic education of students in foreign language lessons of a technical university //Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities. – 2021. – T. 11. – №. 11. – C. 7-9.

10. Bazarova U.M. Spiritual and ethical education in technical universities on the example of foreign languages //актуальные вопросы современной науки. – 2021. – C. 6

11. Mansurova Dilfuza Zokir kizi, Abduganiyev Firdavs Sherzod ugli, & Bazarova Umida Mamurjanovna. (2022). Features of the classification of types of geotechnological terminology in the English language. Youth, Science, Education: Topical Issues, Achievements and Innovations, Prague, Czech. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6643026>

12. sharipova i. a. efficiency of interactive methods of teaching a professionally-oriented english language for students of a technical university //theoretical & applied science. – 2019. – №. 11. – c. 608-610.

13. azamatovna s. i. how to integrate steam in english language classroom //тошкент-2021. – c. 24.